



**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ
8 – сонли баёни**

Манзил: Ўзмилийбанк Бош офиси, Тошкент
шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

2021 йил “22” май
Иш вақти: 9:30 – 11.30

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (кейинги ўринларда – Ўзмилийбанк) акциядорларининг 2020 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш департаменти директори Абдушукуров Жамшид Абдигалипович очди ва куйидагиларни маълум қилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан кенгашнинг 04.05.2021 йилдаги 17-сонли мажлис баёнлари, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзмилийбанкнинг Уставига мувофиқ, Ўзмилийбанк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини 22.05.2021 йилда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибларга мувофиқ, умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 06.05.2021 йилда Банкнинг расмий веб-сайтида, Корпоратив маълумотлар ягона порталида ҳамда “Ҳалқ сўзи” газетасининг 2021 йил 8 майдаги 97-сониди ва “Правда Востока” газетасининг 2021 йил 11 майдаги 95-сониди жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (е-хат орқали) юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддаси ҳамда Кузатув кенгашининг қарорига биноан, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини шакллантириш санаси 19.05.2021 йил этиб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 19.05.2021 йил ҳолатига шакллантирилган.

2021 йил 19 май ҳолатига банкнинг устав капитали 11 978 074 379 000 (ўн бир триллион тўққиз юз етмиш саккиз миллиард етмиш тўрт миллион уч юз етмиш тўққиз минг) сўм бўлиб, у 11 978 074 379 (ўн бир миллиард тўққиз юз етмиш саккиз миллион етмиш тўрт минг уч юз етмиш тўққиз) дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли эканлиги (кворумга эга эканлиги) бўйича сўз Санок комиссияси раиси – Анвар Халитовга берилди.

Ўзмиллийбанк акциядорларининг реестрига кўра, Санок комиссияси томонидан 19.05.2021 йил ҳолатига йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга 11 978 074 379 дона оддий акциялар эгаси бўлган 2 (икки) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – 4 972 047 182 дона (41,5%) оддий акцияларга ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – 7 006 027 197 дона (58,5%) оддий акцияларга эгалик қилади.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 11 978 074 379 донасига ёки 100,0 фоизига эгалик қилувчи 2 нафар акциядор ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлигини, Умумий йиғилиш ваколатли, кворумга эга эканлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи Ж.Абдушукуров Ўзмиллийбанк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очик деб эълон қилиб, йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқаруви аъзолари ва банкнинг масъул департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг:

Йиғилиш ҳайъати этиб: Ж. Абдушукуров, М. Норгитов

Йиғилиш котиби этиб: А. Халитов.

Санок комиссияси аъзолари этиб: А.Халитов, Д.Мўминов, Д. Мирзаевлар сайланишди.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Банкнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш. Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, ўтказилган ташқи аудит ҳисоботларини эшитиш.

2. Банк тафтиш комиссиясини хулосасини эшитиш.
3. Банкнинг 2020 йилдаги соф фойдасини тақсимлаш.
4. “Ўзмилийбанк” АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг 2020 йил 11 июлдаги № 3 сонли баёни 3-бандида (2019 йил банк фойдасини тақсимлаш масаласи) келтирилган, акциядорларга пул маблағлари кўринишида тўланиши кўзда тутилган дивидендлардан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тўланиши лозим бўлган қисмини қайта кўриб чиқиш.
5. Банк устав капиталини кўпайтириш ва қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш, банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарорларни қабул қилиш.
6. Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
7. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
8. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш.
9. “McKinsey & Company” халқаро консалтинг ташкилоти билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзмилийбанкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

Умумий йиғилишнинг иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича ҳисобот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- Банк кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, 2020 йилда давомида банк томонидан эришилган молиявий кўрсаткичлар, амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш учун - 10 дақиқагача вақт бериш;

- Банк тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш учун - 10 дақиқагача;

- маърузалар бўйича муҳокамага – 10 дақиқагача;

- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 30 дақиқагача;

- кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 5 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** – “Банкнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи, ўтказилган ташқи аудит ҳисоботлари” бўйича Банк бошқарув Раиси А.Мирсоатов маъруза қилиб, йиғилиш иштирокчиларига банк томонидан 2020 йилда эришилган молиявий кўрсаткичлар, амалга оширилган ишлар,

эришилган ютуқлар ва келгусида банкни трансформация қилиш жараёнида режалаштирилган ишлар ҳамда истиқболда эришилиши режалаштирилган кўрсаткичларга батафсил тўхталиб ўтди.

Жумладан, 2021 йил 1 январ ҳолатига Ўзмиллийбанк жами активлари **79,9 трлн.сўм**ни ташкил этиб, ўрнатилган режа кўрсаткичи 99,5% бажарилган. Олинган даромад **7,6 трлн.сўм**ни (режа 104 % га бажарилган), соф фойда кўрсаткичи **905,4 млрд.сўм**ни (режа 101 % га бажарилган) ташкил этди.

Ҳисобот санасига банк кредит портфели **65,6 трлн.сўм**ни ташкил этиб, ўтган йил давомида жами **18,5 трлн.сўм** кредитлар ажратилди.

2020 йил якунлари бўйича Активлар рентабеллиги 1,6 % ни (2019 йилда 1,7% ни ташкил этган), капитал рентабеллиги 8,8 % ни (2019 йилда 17,7% ни ташкил этган), операцион самарадорлик кўрсаткичи эса 35,7 % ни (2019 йилда 38,3% ни ташкил этган) ташкил этди.

Ўзмиллийбанк Марказий банк томонидан ўрнатилган барча меъерий талабларни тўлиқ бажариб келмоқда. Жумладан, 01.01.2021 йил ҳолатига кўра:

- капитал етарлилиги коэффиценти - 24,7% (меъёр - 13%);
- ликвидликни қоплаш коэффиценти - 170,9% (меъёр - 100%);
- соф барқарор молиялаштириш коэффиценти - 104,4% (меъёр - 100%) ни ташкил этади.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** – “Банк тафтиш комиссиясини хулосасини эшитиш” бўйича Тафтиш комиссияси аъзоси Ф.Туляганов маъруза қилди. Жумладан:

- Тафтиш комиссияси текширувни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 107-моддаси ва банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2019 йил 25 декабрдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомига асосан ўтказилганлигини;

- банк таркибида 01.01.2021 йил ҳолатига 69 та филиал, 26 та мини-банк, 43 та банк хизматлари кўрсатиш марказлари ва 63 та банкдан ташқари ташкил этилган кассалар мавжуд эканлигини;

- Банкнинг 2020 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МСФО) асосидаги аудит текшируви “Ernst & Young” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилганлигини қайд этди.

Шунингдек, тафтиш комиссияси раиси банк активлари, мажбуриятлари, банк ликвидлиги кўрсаткичларига ҳам батафсил тўхталиб ўтди.

Тафтиш комиссияси раиси банкнинг инвестицион ва кредит портфели бўйича тўхталиб, банк балансида бир неча йиллар давомида даромад келтирмаётган инвестициялар мавжуд эканлигини, банк кредит портфелидаги кредитлар таснифи бўйича қўшимча захиралар яратилиши зарурлигини таъкидлади.

Кун тартибидаги **учинчи масала** – “Банкнинг 2020 йилдаги соф фойдасини тақсимлаш” юзасидан банкнинг Стратегик ривожлантириш департаменти директори Б.Алимов тушунтириш берди. У ўз сўзида мазкур масала банк Кузатов кенгашининг 04.05.2021 йилдаги баённомаси билан дастлабки тарзда кўриб чиқилганлигини, ушбу масала бўйича тавсиялар тарқатма материалларда келтирилганлигини маълум қилди.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** – “Ўзмилийбанк” АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг 2020 йил 11 июлдаги №3 сонли баёни 3-бандида (2019 йил банк фойдасини тақсимлаш масаласи) келтирилган акциядорларга пул маблағлари кўринишида тўланиши кўзда тутилган дивидендлардан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тўланиши лозим бўлган қисмини қайта кўриб чиқилиши юзасидан банкнинг Стратегик ривожлантириш департаменти директори Б.Алимов сўзга чиқди ва қуйидагиларни таъкидлади:

- “Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларининг 2020 йил 11 июлдаги йилдаги №3 сонли баёни билан акциядорларга, уларнинг улушига мос равишда, пул маблағлари кўринишида дивиденд тўлаш учун **416,2 млрд.сўм**, шундан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига – **243,5 млрд.сўм**, Молия вазирлигига – **172,7 млрд.сўм** йўналтириш бўйича қарор қабул қилинган.

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 25 августдаги №03/1-1747-сонли йиғилиш баёни билан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тўланиши лозим бўлган дивиденд тўловлари муддати 2020 йил 30 декабрга қадар узайтирилган ва 2020 йил 31 декабрдаги топшириғига асосан мазкур тўловларни (**243,5 млрд.сўм**) банкнинг устав капиталини оширишга йўналтириш белгиланган.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** – Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва қўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш, Банк қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш ва акцияларни қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш бўйича банкни Стратегик ривожлантириш департаменти директори Б.Алимов батафсил тушунтириб ўтди.

Шунга кўра, куйидагича қарор қабул қилиш таклиф этилди:

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 231 276 583 (икки юз ўттиз бир миллион икки юз етмиш олти минг беш юз саксон уч) дона умумий қиймати 231 276 583 000 (икки юз ўттиз бир миллиард икки юз етмиш олти миллион беш юз саксон уч минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари куйидагича белгилансин:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун давомида жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 (минг) сўмдан жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов банкнинг 2019 йил якуни бўйича ҳисобланган дивиденд ҳисобидан амалга оширилади;

- ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

“Ўзмиллийбанк” АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори тасдиқлансин ва акциядорлик жамиятининг Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ масалаларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш ва акциялар чиқарилишини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

Кун тартибидаги **олтинчи ва еттинчи**, яъни Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш масалалари юзасидан, банкнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи А.Халитов акциядорлар томонидан берилган номзодлар бўйича маълумот берди.

Кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича Йиғилишга раислик қилувчи Ж.Абдушукуров сўзга чиқиб, Банк бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари томонидан банкнинг 2020 йилдаги фаолиятида эришилган молиявий кўрсаткичлар, амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва келгусида банкни трансформация қилиш жараёнида режалаштирилган ишлар ҳамда истиқболли кўрсаткичларга яна бир бор тўхталиб ўтиб, Банк Бошқарув аъзолари

билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йилга узайтиришни масаласи кун тартибига киритилганлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги **тўққизинчи** масала бўйича банкни Стратегик ривожлантириш департаменти директори Б.Алимов сўзга чиқиб, халқаро стандартларга жавоб берадиган банк фаолиятини трансформация қилиш дастури ва банкнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида, 2021 йилнинг 18 январида “Mckinsey & company” халқаро консалтинг ташкилоти билан шартнома имзоланганлигини таъкидлаб ўтди.

“Mckinsey & company” консалтинг ташкилоти томонидан ишлиб чиқилган “Ўзмиллийбанкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини трансформация қилиш узоқ муддатли стратегиясининг тақдимоти ўтказилди.

Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижасига кўра, банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банкнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи ҳамда “Ernst & Young” ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 та овоз.

“Ёқлайман” - ¹¹⁹⁷⁸⁰⁷⁴³⁷⁹✓ та овоз, “Қаршиман” - 0 та овоз, “Бетарафман” - 0 та овоз.

2. Банк тафтиш комиссияси хулосаси тасдиқлансин. Ўзмиллийбанк АЖ тафтиш комиссияси тўғрисида низомга мувофиқ, тафтиш комиссияси аъзоларига банкнинг 2020 йилдаги фаолиятини ўрганиш бўйича тафтиш ўтказганлиги учун мукофот пули тўлансин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - ¹¹⁹⁷⁸⁰⁷⁴³⁷⁹✓ та овоз, “Қаршиман” - 0 та овоз, “Бетарафман” - 0 та овоз.

3. Ўзмиллийбанк Бошқарувининг 2020 йил якуни бўйича соф фойдаси миқдори – **905 416 871 333,66** сўмни ташкил этганлиги тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Соф фойдани тақсимлаш қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

- Умумий мақсадли заҳирани шакллантиришга – **45 270 844 113,23** сўм;
- Стандарт активлар бўйича заҳира шакллантиришга – **272 430 854 941,87** сўм;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги №1067фм сонли фармойиши (4 527 398,54 АҚШ доллари

эквиваленти) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 26 августдаги №2799м сонли топшириғига (2 399 410,11 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида) асосан – **75 536 979 646,98 сўм**, шу жумладан, юридик хизмати харажатларини қоплашга – **71 760 130 664,63 сўм**, солиқ тўловлари учун – **3 776 848 982,35 сўм** йўналтирилсин.

-Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг махсус қарори билан дивиденд шаклида тўлангунга қадар банкнинг тақсимланмаган фойда ҳисобрақамида- **512 178 192 631,58 сўм** қолдирилсин;

Тўловларни амалга ошириш муддати мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида амалга оширилади.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” ¹¹⁹⁷⁸⁰⁷⁴³⁷⁹ ✓ та овоз, “Қаршиман” - 0 та овоз, “Бетарафман” - 0 та овоз.

4. “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг 2020 йил 11 июлдаги йиллик умумий йиғилиши №3 сонли баёни билан банкнинг 2019 йилдаги соф фойдасидан *Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига*, унинг улушига мос равишда, пул маблағлари кўринишида дивиденд тўлаш учун **243 449 035 217,39 сўм** йўналтиришга қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 31 декабрдаги топшириғи билан мазкур тўловларни банкнинг устав капиталини оширишга йўналтириш белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Банк устав капиталида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси улушини оширишга (қўшимча акциялар чиқариш орқали) – **231 276 583 000,0 сўм** шу жумладан, солиқ тўловлари учун – **12 172 452 217,39 сўм** йўналтирилсин.

5.1. “Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 231 276 583 (икки юз ўттиз бир миллион икки юз етмиш олти минг беш юз саксон уч) дона умумий қиймати 231 276 583 000 (икки юз ўттиз бир миллиард икки юз етмиш олти миллион беш юз саксон уч минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

5.2. “Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин:

1) Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади;

2) Ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун давомида жойлаштирилади;

3) Ушбу чиқарилишдаги акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади;

4) Ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 (минг) сўмдан жойлаштирилади;

5) Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов банкнинг 2019 йил якуни бўйича ҳисобланган дивиденд ҳисобидан амалга оширилади;

6) Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

5.3. “Ўзмиллийбанк” АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори тасдиқлансин ва акциядорлик жамиятининг Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ масалаларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш ва акциялар чиқарилишини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” ¹¹⁹⁷⁸⁰⁷⁴³⁷⁹ та овоз, “Қаршиман” - 0 та овоз, “Бетарафман” - 0 та овоз.

6. Кумулятив овоз бериш тартиби натижаларига кўра, Банк Кузатув Кенгаши аъзолари қуйидаги тартибда сайлансин:

№	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони
1.	Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари	11 978 074 379
2.	Холхўжаев Саидқаҳҳор Муҳаммадкарим ўғли	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари	11 978 074 379
3.	Норгитов Мухитдин Журабоевич	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси юридик хизмати бошлиғи	11 978 074 379
4.	Муслимов Элбек	“Old Street Advisory Limited” (Буюк Британия), мустақил аъзо*	11 978 074 379

5.	Мирзаев Мубин Мухитдинович	Давлат солиқ кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	11 978 074 379
----	-------------------------------	---	----------------

**Муслимов Элбек - Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 17.02.2020 йилдаги №РА-1-3015-сонли топширигига асосан Кузатов кенгашига мустақил аъзо сифатида ёлланган эксперт:*

чоракда камида бир марта банкнинг умумий фаолиятини бошқариш жараёнида, яъни Кузатов кенгаш йиғилишида тўғридан-тўғри қатнашиш, шунингдек масофавий тарзда банк ҳисоботлари билан танишиб бориш ва бошқарув масалаларида зарур маслаҳатлар бериб боради;

меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари банк ҳисобидан қопланади ва йиллик мукофот пули миқдори 12 минг АҚШ доллари (бир ойда 1 000 АҚШ доллари) этиб белгиланади ва у ш юзасидан Ўзбекистонда бўлган даврда унинг яшаш ва транспорт харажатлари (Ўзбекистонга чет мамлакатдан учиб келиш/кейтиш авиачипталари шу жумладан) банк томонидан қопланади;

Кузатов кенгаши хужжатларини (протоколлар) масофавий тарзда кўриб чиқади (е-мейл ёки ёзиб олинadиган видеоконференция орқали хулоса беради,) ва уларнинг асл нусхаларини Ўзбекистонда бўлган даврда имзолаб беради.

Банк Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи А.Халитов банк Кузатов Кенгаши аъзолари билан бирга 2021 йилнинг қолган даври учун Кузатов Кенгашининг иш режасини ишлаб чиқсин.

7. Банк Тафтиш комиссияси таркиби қуйидагича сайлансин:

№	Комиссия аъзосининг фамилияси, исми ва	Эгаллаб турган лавозими
1.	Абдушукуров Жамшид Абдигалипович	Молия вазирлиги, департамент директори
2.	Досматов Фарход Мусулмонович	Молия вазирлиги, департамент директори ўринбосари
3.	Туляганов Фаррух Абдурасулович	Тикланиш ва таррақиёт жамғармаси, бўлим бошлиғи
4.	Нургалиев Фархад Рашидович	Тикланиш ва таррақиёт жамғармаси бош мутахассиси

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - ¹¹⁹⁷⁸⁰⁷⁴³⁷⁹ та овоз, “Қаршиман” - 0 та овоз, “Бетарафман” - 0 та овоз.

8. Банк бошқарув раиси – А.Мирсоатов ва бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари 1 (бир) йил муддатга узайтирилсин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.
“Ёқлайман” - ¹¹⁹⁷⁸⁰⁷⁴³⁷⁹ та овоз, “Қаршиман” - 0 та овоз, “Бетарафман” - 0 та овоз.

9. “McKinsey & Company” халқаро консалтинг ташкилоти билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзмилийбанкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси маълумот учун қабул қилинсин ва қайта кўриб чиқилсин (Молия вазирлигининг давлат иштирокидаги тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сиёсатини инобатга олган ҳолда).

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.
“Ёқлайман” - ¹¹⁹⁷⁸⁰⁷⁴³⁷⁹ та овоз, “Қаршиман” - 0 та овоз, “Бетарафман” - 0 та овоз.

Ўзмилийбанк акциядорларининг
Йиллик умумий йиғилиши раиси



Ж.А. Абдушқуров

Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи



А.Ю. Халитов